

Сиз - нусрат берилган, ҳақни топган, фатҳ  
берилган умматсиз



12:33 / 11.11.2024 1598

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرَّ نَابُوثَ نَع  
هَيْلَعُ هَلْ لَّا يَلَّصَّ يَبُّنْ لَّا نَع  
لَا زَتْ آلَ « لَّا قَمَّ لَسَو  
قُحْ لَّا يَلَعُ يَتَّمُّ أُنْمُ فَيَّاط

نَمُّ مَهْرَضِي آلَ نِيرِهَاطِ  
رَمَّ أَيَّتْ أَيَّ تَحْ، مَهْلُذَخِي  
وَبَأُوِّي ذِمَّرْتَلَا هَاوَرِ. «هَلَلَا  
مَلْسُ مَوْدُوَادِ»

Савбон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Умматимдан бир тоифа ҳақда устун бўлган ҳолларида бардавом бўладилар. Уларни хорламоқчи бўлганлар Аллоҳнинг амри келгунча уларга зарар етказа олмаслар**», дедилар».

*Термизий, Абу Довуд ва Муслим ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Дунё қанча ўзгарса ҳам, одамлар қанча бузилса ҳам, барибир мусулмон умматидан бир тоифа Қиёмат қойим бўлгунича ҳақда собит туради. Уларга бошқаларнинг душманлик қилиши, уларни хорлаши ёки бошқа чора-тадбирлари зарар етказа олмайди. Ўшалардан бири Имом Маҳдий розияллоху анҳу бўладилар.

يَسِيْعُ لَزْنَيْ فِ: «مَلْسُ مَوْدَا  
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَ مَيَّرَمُ نُبَا  
مُهْرِي مَأَلُوقِي فِ، مَلْسَو  
، آلُ: لُوقِي فِ، أَنْ لَلَّصَ لَأَغَاتِ

ءَارْمُ اِضْعَبْ يَلَعُ مَكَّضْعَبٌ نَا  
«ةْمُ اِلَا هِدَهْ هَلَلَا ةْمُرَكَت

Имом Муслим:

«Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳи васаллам тушганида уларнинг амири:  
«Келинг, бизга намоз ўқиб беринг», дейди. Шунда у зот: «Йўқ.  
Сизлар бир-бирингизга амирсизлар. Бу - Аллоҳнинг ушбу умматга  
қилган икромидир», дейди», деб зиёда қилган.

**Шарҳ:** Муслмонларнинг ўша пайтдаги амири Имом Маҳдий розияллоҳу  
анҳу бўладилар. Охирзамонда Ийсо алайҳиссалом тушсалар ҳам, ўзларига  
топширилган ишларни қилсалар ҳам, муслмонларга намоз ўқиб бериш  
учун имом бўлмас эканлар, чунки ўша вақтда ҳам муслмонларнинг  
орасидан бу ишга салоҳиятлилар бўлар экан.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ هَلَلَا ذَبَعُ نَع  
هُيَلَعُ هَلَلَا يَلَصُّ يَبُّ نَلَا نَع  
نُورُوصُنَمُ مَكَّضْعَبٌ نَا: لَأَقَمَّ لَسَو  
مُكَلُّ حُوْتُفَمَو، نُوْبِي صُمَو  
مُكُنَمَ كَلْ ذَكَرْدَأُ نَمَف  
رُمُ أَيُّلَو هَلَلَا قَيْتَيْلَف  
نَع هُنَيْلَو فُورَعُمُ لَاب

يَلَعَبَ دَكَ نَمَو، رَكُنْمَا  
نَمْ هَدَعَقَم أَوْبَتَيْلَفِ أَدِمَعَتُمْ  
رَأْنَلَا.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Сизлар - нусрат берилган, ҳақни топган, фатҳ берилган умматсиз. Сизлардан ким ўша кунга етишса, амри маъруф, наҳйи мункар қилсин. Ким менга нисбатан қасддан ёлғон тўқиса, дўзахдаги жойига тайёрланаверсин».**

**Шарҳ:** Мусулмон уммати ичида ҳақда бардавом бўлган тоифага Аллоҳ таоло доимий равишда нусрат беради, уларнинг ишлари тўғри бўлади, ҳидоятдаги имомлар билан бирга бўлганлари учун Аллоҳ таоло уларга фатҳу нусрат ҳам беради. Охирзамонда ўша ҳолга етишган банда амри маъруф ва наҳйи мункар билан машғул бўлиши керак, аммо зинҳор-базинҳор Пайғамбар алайҳиссаломнинг номларидан ёлғон тўқиб гапирмаслиги керак.

هَلَلَا يَضَرَّ رَءْيِي رَهْ يَبَا نَع  
هَلَلَا يَلَصَّ يَبْنَلَا نَع هُنَع  
نَاكَ إِذَا: لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع  
مُكُؤَايَنْعْ أَوْ مُكَرَايْخُ مُكُؤَارْمُ  
يَرُوشُ مُكُرُومُ أَوْ، مُكَءَاخْ مُس

رُيَخِ ضَرَّالْأُرَّهَظْفُ ، مُكَ نِيَبِ  
نَاكَ أَذِإُو ، أَهِنُطَبُ نَمُ مُكَلِ  
مُكَ وَآيَنْعَأُو ، مُكَ رَارِشُ مُكَ وَآرْمُ  
يَلِإِ مُكَ رُومُأُو ، مُكَ ءَالِخُبِ  
ضَرَّالْأُنُطَبَفُ ، مُكَ يَأْسِنِ  
أَمْهَأُورِ . «أَهِرَّهَظُ نَمُ مُكَ لِرُيَخِ  
يَذِمُّرَّتِلِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Яхшиларингиз амир бўлса, бойларингиз сахий бўлса, ишларингиз ўзаро машварат бўлса, сизлар учун ернинг усти унинг остидан яхшидир.**

**Ёмонларингиз амир бўлса, бойларингиз бахил бўлса, ишларингиз хотинларингиз қўлига ўтса, сизлар учун ернинг ости унинг устидан яхшидир».**

*Иккисини Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бундан мусулмон умматида яхши сифатларга эга бўлган кишиларнинг ишбоши бўлишига, бойларнинг сахий бўлишига, ишни машварат асосида олиб боришга аҳамият бериш зарурлиги келиб чиқади.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**